



САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Муборак Қурбон ҳайити муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига хорижий мамлакат ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари номидан самимий қутловлар келди. Уларда давлатимиз раҳбарига мустақкам соғлиқ, муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик, хотиржамлик, тараққиёт ҳамда фаровонлик тилаб, эзгу ва самимий истаклар билдирилган.

Жумладан:

Саудия Арабистони Подшоҳи **Абдуллоҳ бин Абдулазиз Ол Сауд;**

Саудия Арабистони Валиаҳди, Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари, Мудофаа вазири **Салмон бин Абдулазиз Ол Сауд;**

Ўмон Султони **Қобус бин Саид;**

Иордания Подшоҳи **Абдуллоҳ Иккинчи бин ал-Хусайн;**

Бирлашган Араб Амирликлари Президенти **Шайх Халифа бин Зоид Ол Наҳаён;**

Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти, Бош вазири, Дубай Амирлиги ҳоқими **Шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум;**

Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазири ўринбосари, Ички ишлар вазири **Шайх Сайф бин Зоид Ол Наҳаён;**

Миср Араб Республикаси Президенти **Муҳаммад Мурсий;**

Жазоир Халқ Демократик Республикаси Президенти **Абдулазиз Бутефлика;**

Ливан Республикаси Президенти **Мишель Сулаймон;**

Эрон Ислам Республикаси Президенти **Маҳмуд Аҳмадинежод;**

Малайзия Подшоҳи **Ал-Муътасиму Биллаҳи Муҳибуддин Туанку Алхож Абдул Ҳалим Муъадзам Шох ибни Ал-Марҳум Султон Бадишоҳ Янг ди-Пертуан Агонг XIV;**

Мальдив Республикаси Президенти **Муҳаммад Воҳид;**

Фаластин озодлик ташкилоти Ижроия қўмитаси раиси, Фаластин миллий маъмурияти раиси **Маҳмуд Аббос;**

Озарбайжон Республикаси Президенти **Илҳом Алиев;**

Туркменистон Президенти **Гурбангули Бердимухамедов;**

Козогистон Республикаси Президенти **Нурсултон Назарбоев;**

Қирғиз Республикаси Президенти **Алмазбек Атамбаев;**

Тожикистон Республикаси Президенти **Имомали Раҳмон;**

Ислам Ҳамкорлиги Ташкилоти Бош котиби **Акмалиддин Эҳсонўғли;**

Ислам тараққиёт банки Президенти **Аҳмад Муҳаммад Али;**

МДҲ динлараро Кенгаши ҳамраиси, Кавказ мусулмонлари бошқармаси раиси **Шайх-ул-ислом Оллоҳшукур Пошшоода** ўз табриклари йўллади.

Қутловлар келиши давом этмоқда.

Мардлик ва фидойилик эътирофи

Президентимизнинг кўни кеча матбуотда эълон қилинган "Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимлари кўни муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисида"ги Фармони соҳада фаолият юритаётган тинчлигимиз посбонларининг хизматига кўрсатилган юксак эътиборнинг яна бир ёрқин намунаси бўлди. Ички ишлар вазирлигида ўтказилган тадбирда Юртбошимиз Фармонига қўра, тақдирланган 35 нафар хизматчига давлатимизнинг юксак мукофотлари топширилди.

Ифтихор

Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б. Матлюбов таъкидлаганидек, истиқлол йилларида тизимни ислоҳ қилиш, уни замонавий технологиялар ва малакали кадрлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2001 йил март ойидаги Фармонига мувофиқ, ички ишлар идораларининг жиноят кидирув ва терроризмга қарши кураш, тергов, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш, ёнғин хавфсизлиги, йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматлари фаолияти янада такомиллаштирилди. Айниқса, тизим моддий-техник таъминотини яхшилаш, жиноятчиликка қарши кураш борасида профилактика ролини кучайтириш, кадрлар билан ишлаш, ходимларни ижтимоий ғимоя қилишга қаратилган 2007 — 2008 йилларга мўлжалланган Дастурнинг ҳаётга таъбиқ этилиши бу борада муҳим аҳамият касб этди.

(Давоми 2-бетда).

Фаровон турмуш саодати

Оила шаъни, обрўси биз учун азалдан ҳамма нарсадан устун бўлиб келган. Ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти қуриш йўлидаги саъй-ҳаракатлар туфайли оиланинг ижтимоий ҳаётимиздаги роли ва аҳамияти янада ортиб бормоқда. Жумладан, 2012 йилнинг "Мустақкам оила йили" деб номланиши оила институтининг мавқеини яна бир бор мустақкамлади.

2012 йил — Мустақкам оила йили

Шу ўринда қайд этиш керакки, "Мустақкам оила йили" Давлат дастурининг амалга оширилиши баробарида, аввало, оилаларнинг маънавий бутунлиги, шу билан бирга, унинг иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан тўқислигига эришилмоқда. Президентимиз таъбири билан айтганда, энди пайдо бўлган, катта умид билан ҳаётга қадам қўяётган ёш оилани моддий ва маънавий жиҳатдан кенг қўллаб-қувватлаш, уларга кўмак, имтиёз ва имкониятлар яратиб бериш, аввало, уй-жой билан таъминлаш — буларнинг барчаси учун нафақат ота-оналар, биринчи навбатда, давлат ва жамиятимиз масъулдир.

(Давоми 2-бетда).



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ЙИГИЛИШИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2012 йил 25 октябрда Вазирлар Маҳкамасининг йиғилиши бўлиб ўтди, унда асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар истиқболли, солиқ ва бюджет сиёсати концепцияси, Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги Давлат бюджети ҳамда Иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури лойиҳалари ҳар томонлама муҳокама қилинди. Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан жорий йил 19 январда республика ҳукумати йиғилишида белгилаб берилган 2012 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари тизимли ва мақсадли амалга оширилиши натижасида мўлжалланган макроиқтисодий кўрсаткичларга эришиш ва Давлат бюджети параметрларининг муваффақиятли ижро этилиши таъминланаётганлиги таъкидлаб ўтилди. Қатор ривожланган давлатларда давом

этаётган инқироз кўри-нишлари, улкан ҳажмдаги давлат қарзлари ва давлат бюджетининг ўта номуаносиблиги билан боғлиқ бўлган сабоқлар Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида Ўзбекистонда ишлаб чиқилган ва амалга оширилган пухта, ҳар томонлама ўйланган солиқ ва бюджет сиёсатининг яна бир бор тўғри ва самарали эканлигини тасдиқлайди. Охириги йилларда Давлат бюджети профицит билан бажарилиши республикада самарали амалга оширилаётган солиқ ва бюджет сиёсатидан, мамлакатнинг тулов балансининг барқарорлигидан далolat бериб, макроиқтисодий мувозанатни сақлаш учун мустақкам асос бўлмоқда. Қун тартибидоги масалалар муҳокамаси доирасида иқтисодиётнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини, sanoat ва кишлoқ хўжалиги маҳсулoтлари ишлаб чиқариш ҳажмини, кўрсатилаётган хизматлар, қурилиш-монтаж ишлари, капитал қўйилмалар ҳажмини, шунингдек, инфляция даражасини сақлаб туришни назарда тутувчи 2013 йилги макроиқтисодий кўрсаткичлар истиқболлари бўйича марказий иқтисодий ва молиявий идораларнинг тақлифлари ҳар томонлама таҳлил қилинди ва қўллаб-қувватланди. Йиғилишда иқтисодиётнинг юқори ўсиш ва барқарор суръатларини, макроиқтисодий мувозанатни янада мустақкамлаш, ижтимоий соҳани изчиллик билан ривожлантириш, иш ҳақини олдиндан ошириб бориш ва манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш орқали мамлакат аҳолисининг турмуш даражасини ошириш назарда тутувчи солиқ ва бюджет сиёсати концепцияси, шунингдек, 2013 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети лойиҳаси батафсил кўриб чиқилди.

(Давоми 2-бетда).

Сарҳисоб

Пойтахтимизда Давлат статистика қўмитасининг кенгайтирилган Ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда жорий йилнинг тўққиз ойида қўмита томонидан Ўзбекистон Республикаси конунлари, Президентимиз фармон ва қарорлари ҳамда ҳукуматимиз ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларида белгиланган вазифалар ижроси кўриб чиқилди.

Устувор вазифалар белгиланди

Йиғилишда қайд этилганидек, ўтган даврда 2012 йилги Давлат статистика ишлари дастурига мувофиқ, 579 та статистика иши белгиланган ҳажмда ва муддатларда бажарилди. Иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш мақсадли комплекс дастурлар ижроси мониторинги учун таҳлилий-статистик маълумотлар мунтазам равишда шакллантирилиб, ҳар ойда тегишли давлат органларига тақдим этиб борилди.

(Давоми 2-бетда).

Кенгашнинг навбатдаги мажлиси

Кеча Тошкентда Савдо ва sanoat бўйича Ўзбекистон — Британия Кенгашнинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Ҳамкорлик

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда икки давлатнинг нефть-газ, савдо-саноат, сармоя, фан-таълим, сайёҳлик, қурилиш, кимё, геология, фармацевтика соҳалари учун масъул вазирлик ва идоралари, концерн ҳамда компаниялари вакиллари қатнашди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон ва Буюк Британия ўртасидаги алоқалар барча йўналишлар, хусусан, иқтисодий соҳада жадал ривожланиб бораёпти. Бунда мамлакатларимиз раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб кизмат қилаётир. Ўзбекистон Буюк Британияга, асосан, қимматбаҳо ёки ярим қимматбаҳо тошлардан тайёрланган маҳсулотлар, газлама, транспорт, суғурта, коммуникация ва сайёҳлик хизматларини экспорт қилади. Буюк Британия импортининг асосини эса транспорт, архитектура-муҳандислик, тоғ-кон ва кишлoқ хўжалигига оид ҳамда бошқа хизматлар ташкил этади.

Ўзаро савдо-иқтисодий ҳамда сармоявий ҳамкорликнинг ривожидо икки ёқлама солиққа тортишга йўл қўймаслик ва капитал солиқларини тўлашдан бош

(Давоми 2-бетда).

Фермерлик ҳаракати истиқболи

Мамлакатимиз аграр тармоғида изчил амалга оширилаётган ислохотлар фермерлик ҳаракатининг жадал ривожига кенг йўл очмоқда. Биз, фермерлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, қўшимча имтиёз ва имкониятлар берилаётгани, ишимизга барака киритаяпти.

Дил сўзи

Президентимизнинг яқинда матбуотда эълон қилинган "Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони, айтиш мумкинки, мазкур йўналишдаги яна бир амалий қадам бўлди. Масалан, биз ўз фаолиятимизни "Бўзёп" кишлoқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги 7 гектар майдонда бошлаган эдик.

пахта йиғиштирилиб, шартнома мажбуриятлари ортиги билан уддалангани, биргина пахтачиликдан 179 миллион сўмдан зиёд даромад келиши кутилаётгани бунинг тасдиғидир. Дарҳақиқат, фермер бўлиб кам бўлмадик. Ҳар йили фойдамиз ҳисобига ҳўжалигимизнинг моддий-техник базасини мустақкамлаб бораёямиз. Бугунги кунда ўнга яқин кишлoқ хўжалиги техникаларимиз мавжуд. Улар ёрдамида агротехника тадбирлари ўз вақтида, сифатли ўтказилаётгани мўл ҳосил етиштиришда муҳим омил бўлмоқда, албатта.

(Давоми 2-бетда).

Парижда Ўзбекистон – Франция бизнес анжумани бўлиб ўтди

“MEDEF” Франция ишбилармонлар ҳаракатининг Париждаги бош қароргоҳида Ўзбекистон – Франция бизнес-анжумани бўлиб ўтди. Мамлакатимизнинг сармоявий салоҳиятига бағишланган мазкур тадбирда Франция вазирилик ва муассасалари, ишбилармон доиралари вакиллари ҳамда республикамиз Ташқи ишлар вазирлиги делегацияси иштирок этди.

Биз ва жаҳон

Бўлиб ўтган анжуман чоғида Франциянинг ўттиздан зиёд компаниялари вакиллари Ўзбекистон бозоридаги фаолиятининг истиқболлари билан танишиш имкониятига эга бўлдилар.

Бизнес-анжуманининг очилиш маросимида сўзга чиққан Франция ишбилармонлар ҳаракатининг халқаро алоқалар бўлиниши вице-президенти ва бош директори Тьерри Куртень ўзи фаолият юритаётган ташкилотнинг Франция ҳамда Ўзбекистон ўртасида иқтисодий шериклини ривожлантириш бўйича олиб бораётган ишлари тўғрисидаги маълумотларни тадбир иштирокчилари билан ўртоқлашди. Унинг сўзларига қараганда, Франция компаниялари юртимиз билан ҳамкорлик қилиш имкониятларига катта қизиқиш билан ёндашганлари ҳолда, Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий сиёсат ва ислохотларга, ҳуқуқат томонидан ишбилармонлик муҳитини такомиллаштириш юзасидан қабул қилинаётган чора-тадбирларга алоҳида эътибор билан қарайдилар.

Т. Куртень таъкидлаганидек, Ўзбекистондаги барқарор ривожланиш суръатлари, табиий захира, саноат инфратузилмаси, бой интеллектуал салоҳият ҳамда бошқа кўплаб омиллар ишбилармонларнинг сармоявий ҳамкорлигини кенгайтириш учун қўлай шарт-шароитларни яратди. “Шу боис Франция компаниялари Ўзбекистон билан ҳамкорликни бошқичма-бошқич ривожлантиришдан манфаатдордир. Франция компаниялари, жумладан, 2012 – 2015 йилларга мўлжалланган Саноатни модернизация қилиш дастурини ҳаётга келтириш, давлат корхоналарини хусусийлаштириш, Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан молиялаштирилган сармоявий лойиҳаларни амалга оширишда қатнашишга тайёр”, деди у, жумладан.

Ўзбекистон сармоявий ва иқтисодий салоҳиятининг тақдимоти доирасида Франция ишбилармон доиралари вакиллари республикамизнинг сармоявий ҳамда сайёҳлик имкониятлари билан алоқаларни кенгайтиришга қизиқиб келишмоқда. Қайд этилганидек, мамлакатимизда хорижий сармоядорларга яратилган сармоявий муҳит, яъни қўлай имтиёз ва энгилликлар ту-

ғайиб тарихий ва меъморчилик обидаларига эга бўлган Ўзбекистон Франция сайёҳлар учун жозибадор ўлкалардан бири эканлигини таъкидлашди. Сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида Франция компаниялари республикамиз сайёҳлик инфратузилмасини янада ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларда қатнашиш таклифи билдирилди.

“DV-Concept” компанияси президенти Дени Вере “Жаҳон” ахборот агентлигининг муҳбири билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида истиқлол йилларида юртимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўлида катта муваффақиятларга эришганини айтди. “Бўлиб ўтган тақдирот маросими Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сармоявий салоҳияти тўғрисида атрафлича маълумотга эга бўлишимизга имкон яратди”, деди у.

Д. Верененг фикрича, ўзининг саноат, қишлоқ хўжалиги, демография ва сайёҳлик соҳаларидаги салоҳияти туфайли мамлакатимиз Марказий Осиё минтақасида алоҳида ўрин тутди. Унинг таъкидлашича, жаҳон бозоридан муносиб ўрин эгаллаш учун маҳаллий ишлаб чиқариш тармоғини модернизациялашга қаратилган иқтисодий тараққиёт стратегияси Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов раҳнамолигида ҳаётга муваффақиятли таъбиқ қилинмоқда.

“Ўзбекистонда “General Motors”, “Лукойл”, “Ретонас” ва дунёнинг бошқа кўпгина етакчи компаниялари муваффақиятли фаолият юритаётгани мамлакатимизнинг саломатлиги иқтисодий салоҳиятга эга эканлигини далил беради. Бу Европанинг, жумладан, Франциянинг кўплаб компаниялари учун икки томонлама амалий ҳамкорликни жадаллаштиришда муҳим омил ҳисобланади”, деди у.

“Alex” компанияси президенти Франсуа Марк таъкидлаганидек, Ўзбекистоннинг замонавий тараққиётимиз мамлақат тўғрисида олиб қилинган таъминоти бўлиши ҳамда республика раҳбарияти узоқни кўра олишини аниқлади. Унинг айтишича, “Дунёдаги қатор давлатлар чуқур ва узоқ муддатли инқироз билан туқнаш келаётган бир пайтда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотнинг йилига 8 фоиздан зиёд барқарор ўсиш суръатларини таъминлаётгани эътиборга молик жиҳат ҳисобланади”.

“Ўзбекистон ҳуқуқати хорижий сармояларни жалб қилиш борасида фаол сиёсат олиб бормоқдаки, мамлақатда “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси ва “Ангрен” махсус индустриал зонасининг ташкил этилгани бу фикрни тасдиқлайди. Шунингдек, иқтисодий таъминоти маблағ киритаётган компаниялар солиқ юкдан озод қилиниши ҳамда уларга бошқа имтиёزلар тақдим этилиши воситасида рағбатлантирилмоқда, республикадаги ишбилармонлик муҳити ҳам тобора такомиллаштирилмоқда. Бугун Ўзбекистон – Франция бизнес-анжумани чоғида олган маълумотларимиз ва Ўзбекистон томони тақлиф этган истиқболли сармоявий лойиҳалар Франция компаниялари учун муҳим аҳамиятга эгадир. Биз мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни, турли соҳалардаги ўзаро алоқаларни ҳамда улардаги ўсувчанлик имкониятларини ижобий баҳолаймиз”, дея ўз фикрини яқунлади Франсуа Марк.

«Жаҳон» АА.
Париж

Истиқлол тимсоллари

“Эл-юрт таянчи” ёдгорлик мажмуаси. Қарши шаҳри марказида қад ростлаган ушбу монумент бир оила тимсолида воҳада яшайётган юртдошларимизнинг ҳаёт тарзини, азалий қадриятларини, сабот ва матонатини тараннум этувчи юксак санъат асари, оддий ўзбек оиласига қўйилган нодир ҳайкал ҳисобланади. Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги муносабати билан бевоқифа Юртбошимиз гоёси асосида бунёд этилган мазкур маҳаббатли ёдгорликда бор меҳри ва куч-қувватини оиласи ҳамда фарзандларига, эл-юртига бахш этган, қўли қадоқ, бағрикенг, фидойи ва заҳматқаш ота, мунис ва меҳрибон ўзбек аёли ҳамда ўсиб келаётган ёш авлод тимсоли акс эттирилган. Ҳайкал пойидаги тегиримон тоши замонлар алмашинуви, авлодлар бардавонлиги билан бир қаторда, ризқ-барак ва фаворонлик рамзини ҳам ифода этади.



Юксак матонат ва мангулик ифодаси

Юртбошимиз “Эл-юрт таянчи” монументининг очилиш маросимида нутқ сўзлаб, бутун мамлакатимиз миқёсида кенг нишонланаётган юбилейлар сабабчиси, қанча қанча синов ва бўҳронларни бошидан кечириб, ўз она заминини нене босқинчи, ёвуз кучлардан балоқазорлардан қўз қорачиқдай араб-авайлаб келган, ўз зурриёти ва насл-насабини ақл-заковат, мардлик ҳамда матонат соҳиб этиб тарбиялаган, улар орасидан дунёни ҳайратга солган олим уламо-лар ва саркардаларни воёга етказган, эл-юртнинг мана шундай мунавис кўнларга етиб келишида беқиёс куч-қувват ва мадд берган — бу инсон ва бу инсонни тарбиялаган оила ҳамда халқ эканлигини алоҳида таъкидлагандилар.

Ҳақиқатан ҳам, тарихий битикларга кўра, Қарши шаҳри жуда кўп босқинчилик урушларининг гувоҳи бўлган. Жумладан, Ерқурғондаги археологик қазилардан чоғида топилган тарихий буюмлар халқимизнинг энг қадимий даврлардан бунён ўтқур ҳаёт кечириб, шаҳар маданиятини яратганлигини, ўша замонлардан оилаларда ҳунармандчилик, санъат ривожланганлигини тасдиқлайди.

— Мен ишонман, орадан йиллар, замонлар, асрлар ўтар, лекин мана шу ҳайкалда акс этган ҳаёт

ҳақиқати доимо барқарор сақланиб келмоқда. У янги-янги авлодларимизга, бутун жаҳонга бу гўзал ҳаётнинг қандай боқий қадриятлар ҳисобидан абадий эканини англайтиради, — деб таъкидлаганди Юртбошимиз.

Мустиқиллик йилларида улкан маданий меросимиз, таънавий қадриятларимиз қайта тикланди. Юртдошларимизнинг уларга ҳур-матти, муносабати юксалди. Худди шундай “Эл-юрт таянчи” ёдгорлик мажмуаси ҳам бугун қашқадарёликлар ва бу ерга келувчи меҳмонларнинг муқаддас қадамжоларидан бирига айланган, десак, муволаба бўлмайди. Эътиборлиси, ушбу бектор мажмуанинг шаҳар бош майдонида қад ростлаши вилоят марказидаги улкан бунёдкорлик ишларининг гоёвий тарихини белгилаб берди. Монумент очилгандан бунён олти йил мобайнида Қарши истиқлолнинг беқиёс қудрати, халқимиз бунёдкорлик салоҳиятидан далолат берувчи замонавий ва навқирон шаҳарга айланди. Собиқ тузум даврида оёқости қилинган мўътабар қадамжолар қайта тикланди. Хусусан, ноёб тарихий-меъморий обидаларимиз — Одина, Кўкғўмбаз, Ҳўжа Абдулазиз, Қиличбек, Бекмир, Шарофбой каби масжид ва мадрасалар, кўҳна кўприк ва сардоба, қадимги ҳам-

мом ҳамда бошқа ёдгорликлар реконструкция қилинди. Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғида янги амфитеатр барпо этилиб, кўплаб аттракционлар ўрнатилди. Мустиқиллик шоққўча-сида Марказий стадион ва Қарши олимпия захиралари коллежи иншоотларидан иборат мўъжаз спорт шаҳарчаси бунёд этилди. Йўллар ва ижтимоий инфратузилма объекти таъмирланди. Бундай беқиёс бунёдкорликлар вилоят марказини ташки қиёфасини тубдан янгилаш баробарида, одамлар дунёқараши ва кайфиятини ўзгартириши билан ҳам аҳамиятлидир.

Бугун ҳам вилоят марказининг янада кўркам қиёфа касб этишини таъминлаш мақсадида худудда кенг қўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари олиб борилаётган. Пировардида шаҳар маркази кенгайиб, барча мавзёларда замонавий иморатлар, янги турар-жойлар, савдо ва хизмат кўрсатиш объектилари, таълим масканлари ҳамда спорт иншоотлари қад рост-лаяпти.

— Ўтган йили ноябрь ойида Президентимиз томонидан халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида белдирилган тақлиф ва тавсиялар асосида Қаршининг янги бош режаси ишлаб чиқилмоқда, — дейди

шаҳар архитектура ва қурилиш бошқармаси бошлиғи Зебо Жалилова. — “Ушҳаросозлик ЛИТИ” томонидан тайёрланаётган мазкур лойиҳага кўра, Қарши яқин истиқболда барча жабҳаларда жаҳон андозаларига мос обод ва гўзал кентга айланади. Замонавий шаҳарсозлик аъёнлари бу ерда қад ростлайдиган ҳар бир иншоотда ўз аксини топади. Марказий ва асосий кўчалар бўйидаги эски ҳамда кўрimsиз иморатлар ўрни намунавий лойиҳалар асосидаги иншоотлар эгаллаиди, уларнинг пастки қаватларидан эса ижтимоий, маиший ва ишлаб чиқариш объектилари ўрин олади.

Албатта, юртимиз ободлиги, турмушимиз фаровонлиги, қишлоғу маҳаллалар ва хонадонларимиздаги кут-барак, юртдошларимиз ўртасидаги аҳиллик, ҳамжихатлик, энг аввало, истиқлол шарофати, мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осудлик немасидир. Ана шундай бебаҳо неъматлар қадри бугун ҳам биримизни шукроналикка, Ватани, мустиқиллигимизни кўз қорачиқдек араб-авайлаш ва эл-юрт тараққиётига муносиб ҳисса қўшишга даъват этаверади.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

Туман марказида муҳташам мажмуа

Поп тумани марказида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ва сервис мажмуаси қуриб битказилди.

Қулайлик

Ҳозир бу ерда сартарошхона, алоқа хизмати, маиший рўзгор техникаларини таъмирлаш, касбчилик, соатсозлик, кимёвий тозалаш шохобчалари ҳамда тикувчилик цехи мавжуд. Мазкур лойиҳа “Алском” суғурта компаниясининг 386,2 миллион сўмлик маблағи эвазига амалга оширилди.

Айни пайтда алоқа ва ахборотлаштириш тизимидаги корхоналар маблағи ҳисобига вилоятнинг яна олти тумани марказида шундай муҳташам мажмуалар қурилиши ниҳоясига етказилмоқда. Улар фойдаланишга топширилши билан маиший хизмат кўрсатиш ва сервис йўналишида касб-хунар коллежаларини битирган 400 нафардан зиёд ёшлар доимий иш ўрнига эга бўладилар.

Қ. НАЖМИДИНОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

Реклама ва эълонлар

ЗАВОД ТТЕМЗ ИЗГОТАВЛИВАЕТ И РЕАЛИЗУЕТ:

АВТОКРАНЫ

для производства монтажных и погрузочно-разгрузочных работ с обычными грузами на рассредоточенных объектах

КС-3577 НА БАЗЕ ШАССИ МАЗа

- максимальная грузоподъемность – 14 т
- максимальная высота подъема – 14,5 м

КС-4574-1 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗа

- максимальная грузоподъемность – 16 т
- максимальная высота подъема – 25 м (с гуськом)

КС-55724 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗа

- максимальная грузоподъемность – 25 т
- максимальная высота подъема – 30 м (с гуськом)

КРАН БАШЕННЫЙ КБ-403А

предназначен для строительно-монтажных работ при возведении жилых и гражданских сборных сооружений и строительства многоэтажных зданий

Теперь вся продукция в ВЛИЗИНГ

- максимальная грузоподъемность – 8 т
- максимальная длина стрелы – 30 м (с кареткой)
- максимальная высота подъема горизонтально – 41,5 м, наклонно – 57,5 м

КРАНОМАНИПУЛЯТОРЫ И АВТОВЫШКИ на шасси: ISUZU, КАМАЗа, МАЗа и др.

МОДЕЛЬ	высота подъема люльки	ГРУЗОПОДЪЕМНОСТЬ
KRANTAS - 335	15 м	3,2 т
KRANTAS - 736	21,5 м	6 т

АВТОЦИСТЕРНЫ И АВТОТОПЛИВОЗАПРАВЩИКИ

Объемом 8 м³ и 12 м³ на шасси MAN, КАМАЗа, МАЗа.

Тел.: 269-15-33, 262-63-45, 187-52-05, (+99890) 942-79-27. Факс: 262-23-61, 269-39-66. E-mail: toemz1@sarkor.uz www.ttemz-kran.uz

ТРУБА ЗАВОДИ «ТОШКЕНТ» ҚҚ

Ўзида ишлаб чиқарилган куйидаги маҳсулотларни хариддорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)

СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 900 000 сўмдан бошлаб.

ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.

Квадрат кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20x20, 25x25, 30x30, 40x40, 50x50, 60x60, 80x80, 100x100.

Тўғри бурчак кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30x20, 40x25, 50x25, 30x60, 40x60, 40x80, 50x100, 60x80, 60x100, 80x120. Девор калинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.

ПРОФНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 калинлиги 0,3-0,9 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача.

МАХСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги жамоаси Республика Итислаштирилган илмий-амалий тиббиёт маркази профессори, тиббиёт фанлари доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби **Орхан Сераждетдинович МАХМУДОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

“O‘zbekiston” телерадиоканали жамоаси “Ахборот” инфоромацион эштитиришлар муҳарриратининг мутахассиси Уғлиой Пошшоқужаевага падири бузруквори **Абдуружа МУҲИДИНОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Педиатрия тиббиёт институтини жамоаси илмий ишлар бўйича проректор, фармакология кафедраси мудирин, профессор **Абдулазиз Абдулатипович АБДУСАМАТОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

“Ўзбекистон” ОАЖ жамоаси киностудия маъмурий хўжалик бўлими собиқ бошлиғи **Муҳаммадҷон АЛИМОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Мушоҳада

Нон — поклик, тинчлик, ризқ-насиба рамзи. Шу сабаб уни эъозлаймиз, қадрлаймиз, кўзимизга тўйти қиламиз. Халқимизда нон билан боғлиқ кўп...



яраха харажат қилинса, исрофгарчилик кам бўлади... Мен новвойларнинг тўртинчи авлодидан...

Ғамхўрлик

"Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурида мамлакатимизда тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини янада ошириш...

СОҒЛОМ она — фарзанд

Хусусан, дастурга мувофиқ, соғлом фарзандлар дунёга келиши таъминлаш, хотин-қизлар ўртасида тиббий ма...

Фозила АШУРОВА.

Нон қадр

— Фаллани қайта ишлаш осон иш эмас, — дейди Хонқа туманидаги "Хонқадонмаҳсулотлари" акциядорлик жамияти бош муҳандиси Мусобек Шарипов...

зилади. Бу вақтда доннинг ҳар тоннаси 120 граммдан темир моддаси билан бойитилади. Тайёр ун қайта лаборатория текширувидан ўтказилиб...

Орасталик

Бугун дўкдан исталган хилдаги нони олишингиз мумкин. Жиззали, гўшти, сутли нонлар, обонон, ширмой, пати...

Бир ҳовуч дон



90-йилларнинг бошида нон дўконлари пештахтаси бўшаб қолган, "Нон тортилар эмши!" деган шов-шувлар тарқалган...

қўриб турибмиз. Қиёслаш учун бир мисол: республикамизда 1991 йили жами 940 миң тонна галла етиштирилиб...

дистон, Индонезия ва Покистонда яшайди. Сахрои Кабир ҳудудида улар сони 239 миллион нафарни ташкил этади...

қолаверса, нон шунчалик қадр-нона эмасми? Ахир бу гуноҳ эмасми? Нонга бўлган бундай муносабатни кўрган ёшларимиз...

— Тўйлардаги тўқинлик ҳаётимиз фаровонлиги нишонаси, бироқ бу дастурхонни керагидан ортиқ ноз-неъмат билан тўдириб ташлашга...

Бирни кўриб фикр қил...

2008 йил ўрталарида бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi дунёнинг энг тараққий этган давлатлари қаддини ҳам букиб қўйди...

Увоғини ҳам увол қилмайлик

Халқимизда, "Ноннинг ушоғи ҳам нон" деган ибора бор. Баъзан тўй-маъракаларда ўтириб, ана шу нақл ёдимизга тушади...

Юқорида айтганларимиз бир мулоҳаза, холос. Албатта, бу билан биз кимнидир қоралаш, айблаш фикридан йироқмиз...

Фаруқ БҮТАЕВ.

● Реклама ва эълонлар ●

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

«Capital Realtor Group» МЧЖ Бухоро филиали томонидан 2012 йил 26 ноябрь куни соат 12.00 да Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уйда объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қўйидаги кўчмас мулк объекти қўйилади:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 апрелдаги ПҚ-1743-сонли қарори ҳамда Давлат мулкни бошқариш давлат кўмитаси Бухоро вилояти ҳудудий бошқармасининг 2012 йил 22 октябрдаги 11-«а» сонли буйруғига асосан, «УзГАНЖЛИТИ» Бухоро филиалига қарашли бўлган, Бухоро шаҳри, Афросиёб кўчасида жойлашган бино-ишоотлар; ер участкасининг умумий майдони 86,0 кв.м., бино-ишоотларнинг умумий ва фойдали майдони 86,0 кв.м.

Бошланғич баҳоси — 10 976 000 сўм. Закалат пули миқдори бошланғич баҳосининг 15 фоизидан, яъни 1 646 400 (бир миллион олти юз қирқ олти миң тўрт юз) сўмдан кам бўлмаган миқдорда белгиланган.

Талабгорлар диққатига! Ушбу санада объект сотилмай қолган тақдирда, уни сотиш юзасидан ўтказиладиган такрорий аукцион савдоси 2012 йил 3, 10 ва 17 декабрь кунлари бўлиб ўтади.

Аукцион савдосида голиб деб топилган талабгор 20 (ийгирма) кунлик муддат ичида сотувчи, яъни Давлат мулкни бошқариш давлат кўмитаси Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси билан олди-сотди шартномасини расмийлаштириши лозим.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан белгиланган шаклдаги буюртманомалар савдо ташкилотчиси томонидан эълон чоп этилган санадан бошлаб савдо ўтказилишидан бир кун олдин 25 ноябрь куни 18.00 га қадар қабул қилинади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан, белгиланган миқдордаги закалат пулини тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтганилиги тўғрисидаги гувоҳнома, низоми нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Закалат тўлови учун савдо ташкилотчиси — «Capital Realtor Group» МЧЖнинг банк реkvизитлари: «Капиталбанк» ОАТБ Мирзо Улуғбек филиали, х/р: 2020800020492757 1003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш, мулк билан танишиш ҳамда қизиқтирган барча саволлар бўйича қўйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй. Телефон: (8-365) 223-48-87. www.realtgroup.uz

Лицензия: RR-0017

«КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ

Наввий вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Қармана тумани СИБ томонидан ЖИБ Хатирчи тумани судининг 2012 йил 1 августдаги 1-127/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «MEF INVEST NAVOIY» МЧЖга тегишли, Қармана тумани, «Янги арик» ҚФЙ ҳудудида қурилган, 1,0 гектар майдондаги иссиқхона ва ишчилар уйи бинолари ҳамда 2,0 гектар майдондаги ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 1 532 353 999 сўм. Аукцион савдоси 2012 йил 30 ноябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилири бўлими вакили иштирокида бевосита

жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати — 2012 йил 28 ноябрь куни соат 18.00.

Мазкур савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчисининг АТИБ «Ипотека-банк»и Наввий филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20200800504920609007, МФО: 00205, СТИР: 207122519.

Манзил: Наввий ш., П. Очиллов к., 24-уй, Наввий вилояти Давлат мулкни бошқариш давлат кўмитаси Наввий вилояти ҳудудий бошқармаси мазмури биноси, 1-қаavat. Телефонлар: (8-436) 224-44-01, 224-15-61. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz

Лицензия: RR-0001

ОБ-ХАВО (26 октябрь)

Table with weather forecasts for various regions: Қоракалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида, Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида, Бухоро ва Наввий вилоятларида, Тошкент шаҳрида.

Table with weather forecasts for various regions: Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида, Тошкент, Самарқанд, Жизза ҳамда Сирдарё вилоятларида, Бухоро ва Наввий вилоятларида, Тошкент шаҳрида.

(«Халқ сўзининг навбатдаги сони 30 октябрь — сеанба кун чикади».)

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазиран Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1054. 61 384 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.



Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас. Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов. Навбатчи — Ю. Бўронов. Мусоҳах — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 22.30 Тошхирлиди — 23.30 1 2 3 4 5